Тошкент ҳақиқати

№ 27 (10.604).

1994 йил 20 апрель чоршанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ЛИ ПЭН ЎЗБЕКИСТОНДА

18 апрель куни Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Аэропортда Ли Пэн жаноблари билан рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либослардаги қизлар Хитой ҳукуматн раҳбари ва унинг ҳамроҳларига баҳор чечакларини тақдим этдилар.

Юксак мартабали меҳмон қаршисида Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси вакиллари — фахрий қоровуллар саф тортди. Икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Ли Пэн оммавий ахборот воситалари вакилларига қиоқача баёнот бердилар.

— Мен қадимий ва жаҳонга машҳур Тошкент шаҳрига келганимдан хурсандман, — деди Хитой раҳбари. — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилда юртимизга ташрифи дўстона алоқаларимиз тарихида янги саҳифа очган эди. Бизнинг ташрифимиз давомида имзоланадиган ҳужжатлар бу алоқаларни янада мустаҳкамлайди, иқтисодий ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаради, деб умид қиламан.

Мамлакатимиз Президенти Хитой Давлат Кенгаши раҳбарини ташрифи билан самимий қутлар экан:

— Ли Пэн жанобларининг сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларимиз тобора ривожланаётган бир даврда юртимизга ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларида янги қадам бўлади, — деди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг илдизи «Буюк ипак йўли» даврига бориб тақалади.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент кўчаларида минглаб шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари олқишлар билан кутиб олдилар.

(ЎзА).



СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн билан учрашуви. Музокаралар пайти.

Ф. Қурбонбоев, А. Илёсов олган суратлар. (ЎзА).

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ. 19 апрель, соат 10.00. Ўзбекистон миллий боғи. Сафарнинг иккинчи куни жаҳон мумтоз адабиёти намоёндаси, буюк ўзбек шоири Мир Алишер Навоий хотирасини ёд этиш билан бошланди. ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк бобокалонимиз пойига гулчамбар қўйди.

Шу ерда юксак мартабали меҳмонни қутлаш учун чиққан шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ли Пэн жаноблари Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар равнақи хусусида сўзлаб, Ўзбекистон келажакда шу юртнинг баҳорий чечакларидек гуллаб-яшнашига ишонч билдирди.

10. 30. Халқлар Дўстлиги саройи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик истиқболи муҳокама қилинди.

Сўнгра музокаралар делегация аъзолари иштирокида давом эттирилди.

Ислом Каримов кўпгина масалаларда Ўзбекистон ва Хитой раҳбариятининг фикри бир хил эканини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон ҳам. Хитой ҳам ўзаро тенгликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни равнақ топтиришни истайди. Мустақилликка эришган собиқ Совет Республикалари ичида Ўзбекистоннинг биринчи бўлиб Хитой давлати билан бордикелдини йўлга қўйгани, албатта, икки ўртадаги азалий ва улуғвор дўстликнинг натижасидир. 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон раҳбариятининг Пекинга ташрифи чоғида йигирмага яқин ҳужжат имзоланган эди. Бугуйги кунда улар ҳаётга татбиқ этилиб, ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, ҳозир республикамизда 78 та Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. Аммо Хитой сингари буюк давлатнинг катта имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Икки давлат ўртасида маҳсулот айирбошлаш. Хитойда ишлаб чиқарилаётган товарларни мамлакатимизда, Ўзбекистон маҳсулотини Хитойда намойиш этиш учун келгусида ташқи савдо кўргазмаларини ташкил этиш ҳар икки томоннинг манфаатига хизмат қилади. Қолаверса, икки мамлакат тадбиркорларининг ҳамкорликдаги фаолиятини янада яхшилашга аҳамият бериш лозим. Маданий алоқалар янада ривожланиши керак.

— Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бизни анчадан буён қизиқтиради, — деди Ислом Каримов. — Ўз вақтида бундай қизиқишимиз туфайли танқидга ҳам учраганмиз. Бугунги кунда бошқа мамлакатлар ҳам Хитойдаги ҳаётий ўзгаришларни ўрганишга киришди. Бу ҳол Ўзбекистоннинг Хитой билан ҳамкорлик муносабатлари аниқ ва узоқни кўзловчи сиёсатга асосланганини яна бир карра исботлайди.

ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн ўзи бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистон заминида самимий кутиб олингани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Қадимда юртларимизни Буюк ипак йўли боғлаб турган бўлса, Ислом Каримовнинг 1992 йил мартидаги ташрифи ҳудудий қамровлардаги фарққа қарамасдан дўст ва қалин қўшни ҳисобланган Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига янги саҳифалар ёзди, деди меҳмон. Ўзбекистон билан халқаро йўналишдаги муносабатларимиз мос келади. Дарҳақиқат, Хитой жаҳонда тинчлик тарафдори ва ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тинчликпарвар сиёсатини қадрлайди ҳамда қўллаб-қувватлайди. Ҳозирги кунда Хитойда теран иқтисодий янгиланишлар жараёни бормоқда. Шундай экан, ҳукуматнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати мамлакат ичкарисидаги ўзгаришларга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Узоқ йиллар мавжуд бўлган собиқ Иттифоқ даврида унинг таркибидаги республикалар орасида яқин муносабатлар юзага келди. Хитой Ўзбекистоннинг ушбу республикалар, жумладан Россия билан йўлга қўяётган ҳамкорлик алоқаларини табиий ҳол, дея ҳисоблайди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий алоқалар кўнгиядагидек ривожланмоқда. Хитой Оролни қутқариш учун инсонпарварлик ёрдами сифатида маблағ ажратиш ниятида. Келгусида ҳам Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни давом эттираверамиз.

— Ўзбекистон — ёш ва қадимий давлат ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида вақтинчалик қийинчиликларни бошидан кечирмоқда, — деди Ли Пэн. — Аммо унинг келажаги порлоқ, бойлиги кўп, замини серҳосил, саноати бақувват. Яқин орада республикангизни илғор ва гуллаб-яшнаган давлатлар сафида кўришимга ишончим комил.

Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Хитой давлатлари ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат ўртасида ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Музокаралар ҳамда ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, К. Тўлаганов, М. Усмонов, Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри Ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Шунингдек, тадбирларда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан ҳозир бўлди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Ли Пэн журналистлар билан суҳбатлашди.

— Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислоҳотлар ўтказиляпти, — деди Ли Пэн. — Шу нуқтаи назардан қараганда, бизда умумий жиҳатлар кўп. Аммо бу ҳол иккала мамлакат ҳам тараққиётнинг бир хил йўлидан боради, деган маънони билдирмайди. Чунки Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти бор, Хитойда ҳам худди шундай. Лекин биз бирбиримиздан ўрганишимиз керак. Ўтмишда «Буюк ипак йўли» мамлакатларимиз халқларини бир-бирига боғлаб турган. Эндиликда биз янги Буюк ипак йўлини барпо этишимиз лозим. Бизнинг дўстлик алоқаларимиз аждодларимизникидан ҳам мустаҳкамроқ бўлади, деб умид қиламан. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига, Тошкент шаҳри аҳолисига самимий дўстлик ва эҳтиром туйғуларини изҳор этаман.

— Хитой — буюк мамлакат, — деди Ўзбекистон Президенти. — Биз бу мамлакатдаги катта ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатиб турибмиз. Хитойда амалга оширилаётган ислоҳотлар фақат бизнинггина эмас, балки бутун дунёнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда. Чунки ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисмини озиқ-овқат билан таъминлаган, уларнинг фаровонлиги учун курашаётган, юксак иқтисодий ўсиш суръатларига эришаётган давлат юксак эҳтиромга сазовор. Айни пайтда Хитой ўзининг улкан имкониятлари билан Осиёда, жумладан Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшиши мумкин. Ли Пэн жанобларининг мамлакатимизга ташрифини қизғин муборакбод этамиз. Икки мамлакат ўртасида бугун имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизда янги саҳифа очади, деб умид қиламан.

• • •

16.00. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар зали. Бу ерга халқ ноиблари, республика вазирликлари, идоралари раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти жамоатчилиги вакиллари, ҳорижий мамлакатларнинг Тошкентдаги дипломатик ваколатхонаси ходимлари Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн билан учрашувга тўпландилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов очди. У Хитойлик мўътабар меҳмон ва унинг рафиқасини йиғилганлар номидан муборакбод этди. Сўнгра сўз Ли Пэнга берилди.

— Кейинги икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Президент Ислом Каримов ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг раҳбарлари мамлакатимизда бўлишди,— деди Хитой ҳукумати раҳбари.— Энди эса мен жавоб ташрифи билан келдим. Ўз сафаримни гўзал Ўзбекистондан бошлаганимдан мамнунман. Бундан кейин Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистонга бормоқчиман. Яқин тарихда Хитой ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасида бундай мунтазам мулоқотлар бўлмаган. Бу ҳол ана шу давлатлар тарихида янги давр бошланганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги нуфузли давлатлардан биридир. Мамлакатингиз қадимий маданиятга ва катта иқтисодий имкониятларга эга. Кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш йўлидан дадил бормоқда. Сизга бу йўлда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Нотиқ Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатдаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболи ҳақида сўзлади.

Учрашув сўнгида Ислом Каримов самимий тилаклар учун Хитой ҳукумати раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар икки халқ манфаати йўлида бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

Ли Пэннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

Носир МУҲАММАД,
Ғулом МИРЗО,
Дилшод ҚАЮМ,
ЎзА мухбирлари.

МОСКВА УЧРАШУВИ: ҲАМФИКРЛИК САРИ ҚИЙИН ЙЎЛ

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашуви қисқа, лекин жуда самарали бўлди. Унда йигирмадан ортиқ муҳим ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар МДҲ мамлакатларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва иқтисодиётни барқарорлаштириш учун кенг истиқболлар очиб бериши шубҳасиз.

Одатдагидек, олий даражадаги учрашув арафасида жуда кўп хилма-хил фаразлар айтилган эди. Баъзилар Мустақил давлатлар раҳбарларининг учрашуви ҳеч қандай натижа бермайди, деб ҳисоблаган бўлса, бошқалар: сурункали тангликдан чиқиш учун куч-ғайратларини бирлаштирадиган пайт келди, деган фикрни айтди. Улар Евроосиё иттифоқини тузиш ташаббусини кўтариб чиққан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг яқинда берган баёнотига ҳам асосланган эди. Давлат бошлиқлари учрашувида бу масала умуман ўртага қўйилмади.

— Эски тузумга қайтишга йўл йўқ ва қайтилмайди ҳам, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг истиқболи бор эканига ишонаман. Ҳозир ҳаёт мураккаблиги аён, албатта. Аммо, олдинги тизимга қайтиш — ҳаммадан ажралиб, ўз қобиғига ўралиб қолиш сингари ҳалокатлидир. Фақат битта йўл бор. Бу — бирор томон зўравонлик қилмайдиган ва тазйиқ ўтказмайдиган ўзаро муроса ва ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлидир.

Москва учрашуви чоғида Россия ва Украина ўртасида икки ва уч томонлама ёпиқ музокаралар ҳам бўлиб ўтди. Бу музокаралар Қора денгиз флоти ва Қрим тўғрисида, шунингдек, Россия воситачилигидаги Арманистон ва Озарбайжон муносабатлари хусусида эди. Бу учрашувларнинг нақадар муҳимлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У жойларда тўхтовсиз давом этаётган можаролар пировард натижада янада фожиалироқ воқеаларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга эса мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас.

Нима бўлганида ҳам, бу қадар кўп ҳужжатнинг имзоланиши учрашувнинг аҳамиятини кўрсатиб турибди. Давлат бошлиқлари ҳамфикрликка эришдилар. Ҳозир бундай ҳамфикрлик бўлмаса, ҳамкорлик қилиш қийин. Ўзбекистон Президентининг фикрича, ҳужжатларнинг тез имзоланиши — кўп жиҳатдан экспертларнинг яхши ишлагани, улар орттирган тажриба билан боғлиқ.

Энди бевосита ҳужжатларнинг ўзига мурожаат қилайлик. Украина раҳбари Леонид Кравчук ўз мамлакати номидан иқтисодий иттифоққа уюшган аъзо ҳуқуқи билан қўшилишга қарор берди. Бунинг маъноси нима? Украина бошқа масалаларни муҳокама қилишда ҳал қилувчи овозга эга бўлмайди, лекин унинг иқтисодий бирлашиш жараёнларида иштирок этишига кафолат берилади.

Доимий ишлайдиган давлатлараро иқтисодиёт қўмитасининг тузилиши ҳам жуда муҳим аҳамиятга моликдир. У фақат мувофиқлаштирувчи маҳкама бўлиб қолмай, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг манфаатларини

(Давомн 2-бетда).

Самимий учрашувлар

19 апрель куни Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг раҳбари Ли Пэн жаноблари рафиқаси Чжу Линь хоним Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикасига ташриф буюрди. Корхонада ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар кўргазмасини томоша қилди. Дўппи, сўзана, зардўзлик буюмлари, миллий либос намуналари Чжу Линь хонимда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар «Шарқ гули» фабрикасининг музейини кўрди, корхона ишчилари билан суҳбатлашиб, уларнинг иш шароитлари билан танишди.

Чжу Линь хоним шу куни Тошкент шаҳридаги хитой тилини ўрганишга ихтисослашган 59-ўрта мактабда ҳам бўлди ва дарс жараёни билан танишди. Хитойлик меҳмон ўқувчилар билан хитой тилида суҳбатлашди ва уларнинг билим даражасига юқори баҳо берди. Мактаб ўқувчилари меҳмонларни хитойча куй-қўшиқ ва рақслар билан хушнуд этдилар.

Д. ҲОЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири.

ТУМАН ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

Бўка тумани фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Қ. Элчибоев бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Б. Махситов Бўка тумани ҳокими этиб тайинланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов сўзга чиқди.

(ЎзА).

• Табиий офат содир бўлган жойда

ВАҚТИДА ЧОРА КЎРИЛГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ...

ШУ ЙИЛ 15 апрелдан 16 апрелга ўтар кечаси, соат уч ва тўрт ўрталарида Оҳангарон туманида — Гўшсой соҳилидаги Қорақишлоқ аҳоли пункти ҳудудида яна кўчки содир бўлди. Унинг умумий ҳажми 600 минг куб метрдан ошиқ деб тахмин қилинмоқда. 9 та уй тупроқ остида қолди. Бошқарув тизилмаларининг аввалдан кўрган чора-тадбирлари туфайли одамлар бу ерда хавфсиз жойларга кўчирилган эди. Шу боис қурбонлар бўлмади.

Кўчки натижасида Кўчбулоқ конига борувчи йўлнинг 150 метр чамасидаги жойи тўсилиб қолди. Юқори босимдаги электр ўтказувчи темир устун ағдарилди... Йўлни тезда тозалаш чоралари кўрилди. Электр узатиш линияси тикланди.

(Хавфли ҳудудларда бўлган аввалги кўчкилар, вилоят ҳокимлиги томонидан аҳолига моддий ва маънавий кўрсатилаётган ёрдам, табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидаги мақолани газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

МОСКВА УЧРАШУВИ: ҲАМФИКРЛИК САРИ ҚИЙИН ЙЎЛ

(Боши 1-бетда).

жуда самарали равишда уйғунлаштиришга қодир бўлган жипслаштирувчи куч бўлиб қолиши керак. Бу қўмита тузилиши муносабати билан яна бир ҳужжат — эркин савдо маконини барпо этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар ҳар қандай божхона тўловларини бекор қилишин, солиқ тизимини соддалаштиришни ҳамда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бошқа ғовларни олиб ташлашни назарда тутади.

Бўлиб ўтган учрашувнинг энг муҳим жиҳатлари тўғрисида гапирганда, миллий ёки этник жиҳатдан, тили ва дини жиҳатидан камчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш конвенциясига тўхталмаслик мумкин эмас. Ўзбекистон бу ҳужжатга имзо чеккани табиий ҳолдир. Тафсилотларга тўхталмай шуни айтиш керакки, модомики сиз мустақил давлат фуқаросн эканснз, туб миллатга мансуб бўлмасангиз ҳам, бошқалар каби кафолатларга эга бўласнз. Дарвоқе, республикамизнинг Асосий Қонуни — Конституция миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ана шундай ҳуқуқларини таъминлайди.

— Ҳозирги кенгаш якунларидан мамнунман, — деди Россия Президенти Борис Ельцин. — Муҳокама қилинаётган масалаларнинг мураккаблигига қарамай, биз вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топа олдик. Эндиликда биз ҳамкорлик ва ҳамфикрлиликка асосланган муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичига чиқмоқдамиз.

Москва учрашувида мудофаа муаммоларига алоҳида эътибор берилди. Давлат бошлиқлари муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган эди: «Коллектив тинчлик кучларининг Тожикистон Республикасида бўлиш муддати, таркиби ва вазифалари ҳақида», «Коллектив тинчлик кучлари қўмондони тўғрисида», «Россия Федерацияси, Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларининг учинчи мамлакатлар билан чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш хусусидаги музокараларнинг борши тўғрисида». Рўйхатнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, бу муаммоларни ҳаётнинг ўзи биринчи даражали қилиб қўйган. Нима бўлганида ҳам, мустақиллик — «Ўз хонадонидан чиқмай ўралашиб қолиш», деган гап эмас. Ҳамдўстликдаги айрим давлатлар эса, ана шу йўлдан бормоқда.

Россия пойтахтидаги учрашув ҳам мунозарасиз ўтмади. Тожикистон — Афғонистон муаммосининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги масалада Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ғалати йўл тутди. У бундай деди: «Бу икки давлат муаммосидир, шундай экан, Туркманистон бу масалани ҳал қилишда қатнашмайди...».

Бу гап бошқа давлат бошлиқларига қандай таъсир қилганини билмайман, лекин Ислом Каримов одатдагидек қатъий ва очиқ-ойдин гапирди.

— Қўшни давлат чегарасининг менинг мамлакатим чегарасига дахли йўқ, дейиш хато, — деди у. — Тожикистон тажрибаси бунинг яққол исботидир. Биродаркушлик уруши, бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлиши — Тожикистондаги мухолифликнинг ачинарли якунидир. Ўзбекистон бу тоғли ўлкадаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш тарафдори бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. Бундан бошқа йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирги пайтда Тожикистон — Афғонистон чегараси Ўзбекистоннинг ҳам, Туркманистоннинг ҳам, Россиянинг... чегарасидир. Бу чегарани мустаҳкамлаш барча Ҳамдўстлик давлатларининг бурчидир.

Россия пойтахтида ана шундай масалалар кўриб чиқилди... Давлат бошлиқларининг учрашуви арафасида ҳукумат бошлиқлари тўпланиб, кўпгина ҳуж жатларни имзолатан эдилар. Улар орасида энг муҳимлари — ишлаб чиқариш, тижорат, кредит-молия, суғурта ва миллатлараро аралаш бирлашмалар барпо этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисидаги битим лойиҳаси, тўлов иттифоқи концепцияси тўғрисидаги, аҳолининг кўчиши ва кўчиб келган меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида Улуғ Ватан уруши ногиронлари, бошқа давлатлар ҳудудидаги уруш ҳаракатлари қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари учун ўзаро имтиёзлар ва кафолатлар тўғрисидаги ҳужжатлардир.

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви тугади. Учрашув қандай ўтганидан қатъи назар, барча раҳбарлар бошқа давлатлардан ажралиб ёлғиз яшаш қийинлигини, уммон ортидан пул қарз бериш тўғрисидаги ваъдалар иқтисодиётни таназзул ҳолатидан чиқара олмаслигини англаб етдилар. Ҳали ҳал қилинмаган муаммолар бор, лекин уларни ҳал этишдан ўзни четга олиш мумкин эмас. Туяқушнинг хавф пайдо бўлганда ҳеч нарсани кўрмаслик учун бошини қумга тиқиб туриши уни қутқариб қола олмайди! Имзоланган ҳужжатлар қоғозда қолиб кетмайди, балки иш беради, деб умид қиламиз. Афсуски, илгари бундай ҳоллар кўп бўлган эди...

Л. ЛЕВИН,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

1941 — 1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Президентимизнинг ана шу санани муносиб нишонлаш юзасидан қабул қилган Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган байрамни ўтказиш дастури муҳокама этилди. Ғалаба куни келгуси йил 9 майда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Республикамиз пойтахтида шу санага бағишланган тантанали йиғилиш ва ҳарбий парад ўтказилади.

Дастурда иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлар кўрсатган жасоратнинг аҳамияти мавзуида илмий конференциялар ўтказиш, саҳна асарлари, ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш этиш, Алишер Навоий номидаги миллий боғда ва вилоят марказларида театрлаштирилган томошалар ташкил қилиш, шунингдек, эсдалик совғалари ва нишонлар чиқариш, хотира китоби нашр этиш кўзда тутилган.

Мажлисда Республика Марказий банки, Молия вазирлиги Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ҳузурида уруш фахрийларига ва фронт орқаси меҳнатчиларига ёрдам берувчи махсус ҳисоб очиш, турли вазирлик ва идоралар, корпорация ва концернлар, уюшмалар, корхона ва ташкилотлар, хусусий шахсларнинг пул улушлари ва хайр-эҳсонларини ана шу ҳисобга ўтказиш мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИДА

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХИЗМАТИ — ҚОНУНЧИЛИКИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИГА ҚУРИЛСИН

Илгари хабар берганимиздек Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчиларн республика прокуратураси бошқармаси бошлиғи В. Қосимовнинг ахборотини тингладилар. Прокуратура органлари солиқ ва божхона фаолияти соҳасида қонунчиликни таъминлашга, қонунчилик бузилиши ҳолларининг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлашга, айбдор мансабдор ва бошқа шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш юзасидан маълум ишларни амалга оширгани қайд этилди. Прокуратура ўтказган текширишлар натижасига кўра Солиқ давлат қўмитаси ва республика Молия вазирлигига тақдимнома юборилди. У ерда бу маълумотлар жиддий таҳлил этилди, айрим раҳбарлар жавобгарликка тортилди.

Бироқ, ҳайъат йиғилишида таъкидланганидек, республика бўйича солиқ ва божхона қонунларига риоя этиш устидан прокурор назорати ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Хоразм, Наманган, Жиззах, Тошкент ва бошқа бир қатор вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари, Тошкент шаҳар туманлари прокурорлари шаънига кескин танқидий фикрлар айтилди.

Солиқ ва божхона хизматлари фаолиятларида қонунчиликни жиддий бузиш ҳоллари юз бераётгани таъкидланди. Солиқ органларига илгари жиноят учун қамалган шахслар ишга олингани, солиқ тўламаслик учун даромадни яшириш ҳоллари жазосиз қолаётгани, хусусий тижорат тузилмаларнинг молларни рўйхатдан ўтказмай, юқори нархда сотаётгани ва рухсатномасиз ишлаётгани ҳақида аниқ далиллар келтирилди.

Прокуратура органларининг солиқ ва божхона органларидан тушаётган материалларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, шу материаллар бўйича қўзғатилган жиноий ишларни тергов қилишнинг бориши, сифати ва муддатлари устидан назорат қилиш, бу ишлар судда кўрилганида прокурорларнинг албатта иштирок этиши каби ишларини тубдан қайта қуриш керак, деб таъкидланди ҳайъат йиғилишида. Президентнинг март ойида чиқарган Фармони шуни тақозо қилади.

Шунга қарамай, жойлардаги прокурорлар солиқ ва идоралар ҳисобининг текшириш хизмати ишини ҳамиша ҳам назорат қилмаётирлар. Натижада тақдим қилинган материаллар ва қўзғатилган жиноий ишлар кўпинча қонунда кўзда тутилган муддатлар бузилгани ҳолда кўриб чиқилмоқда. Шу тоифадаги жиноий ишларни тергов қилишда жуда кўп камчиликларга йўл қўйилмоқда. Судда кўриб чиқиш муддатлари ҳам кўп бузилади ёки солиқ ва божхона қонунчилигини бузган кишиларга жуда енгил жазо берилмоқда. Йиғилишда шу масалалар бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш зарурлиги ҳақида ҳам фикр билдирилди.

Ҳайъат йиғилишида Давлат солиқ қўмитасининг ўринбосари раиси Ш. Гатаулин, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев нутқ сўзладилар.

Муҳокама этилган масалалар бўйича кенгайтирилган қарор қабул қилинди. Бош прокурор мазкур соҳадаги ишларни қониқарсиз ташкил этгани учун айрим прокурорларни лавозимидан бўшатиш ва интизомий чора кўриш тўғрисида буйруқ чиқарди.

(ЎзА).

«ҲАЁТ ВА ҚОНУН»НИНГ ИЛК СОНИ

Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида, жумладан, «Ҳаёт ва қонун» журналини чиқариш кўзда тутилган эди. Ана шу журналнинг биринчи сони босмадан чиқди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини яхшилашга кўмаклашиш, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш йўлида хизмат қилиш — ойноманинг асосий мақсадидир.

Журнал республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халиловнинг муштарийларга йўллаган табриги билан очилган. Адлия вазири А. Мардиевнинг «Мустақиллигимиз нишонаси», республика конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи, конституциявий назорат қўмитаси раиси Ш. Ўразаевнинг «Конституциямизнинг дунёга келиши», Бош прокурор Б. Мустафоевнинг «Прокурор назорати — амалда», Олий суд раиси У. Мингбоевнинг «Суд ҳокимияти» мақолаларида Ўзбекистонда давлатчиликнинг тикланиши, ҳаётнинг барча соҳаларида қонунларнинг ўстунлигига эришиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз боради.

Ойнома 10.000 нусхада нашр этилган.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ—ТАЛАС

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

ТАЛАС вилояти қардош Қирғизистон Республикасининг табиатан гўзал ҳудудларидан бири ҳисобланади. Унинг тоғу яйловлари, шўх дарёлари, қишин-ёзин яшил либосини тарк этмайдиган ўрмонлари, поёни йўқ боғроғлари нақадар мафтункор эканлигини нигоҳи тушган одамгина тўла ҳис қилади. Унинг таъриф-тавсифини фақат шу билан чеклаш асло мумкин эмас. Қирғиз халқининг миллий қаҳрамони Манаснинг ватани шу ер дейишади.

— Талас чорвадор вилоят эканлигини яхши биландик, лекин, у ерда бўлганимизда битта рақамни келтиришганда ҳайрон қолдик,— дейди вилоятимиз делегацияси таркибида Талас вилоятига ташриф буюрган вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи, икки вилоят ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилишининг ташаббускорларидан бири Азим Тўраевич Раҳмонбердиев.— Фақат йилқининг сони бир миллион бошдан ортиқ экан. Умумий ҳудуди 11400 квадрат километр бўлган бу ўлкада яна ўн мингдаб майин жунли қўйлар, сонсиз-саноқсиз эчки, қора моллар боқилмоқда. Бу ерда ҳар йили жон бошига етиштирилаётган гўшт миқдори саккиз юз килограммданга тўғри келар экан. Бу қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бизда анча камлиги ҳаммага маълум. Ҳамкорликни йўлга қўйишдан, аввало, ана шуни назарда тутдик.

Талас вилоятида чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам жуда суст ривожланган. Уларнинг асосий қисми собиқ Иттифоқнинг бошқа қатор ҳудудларига етказиб бериларди. Қизил империянинг барбод бўлиши оқибатида уларни сотишда қийинчилик пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам Тошкент вилояти ҳокимлигининг икки ўртада ҳар соҳада алоқа ўрнатиш ҳақидаги таклифига қардошларимиз бажонидил қўшилдилар.

Икки вилоят меҳнаткашлари делегациялари бир-бирларининг ҳузурида бўлдилар. Айрим ишлар бўйича аҳдлашиб олинди. Шунга мувофиқ Талас вилояти бизга гўшт, тери, тамаки, жун, қуйилтирилган сут ва бошқа маҳсулотларни етказиб беради. Айни вақтда вилоятимиздан қардошлар учун зарур бўлган турли саноат маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар, электр буюмлари юборилади. Бундай ҳамкорлик маҳсулот айрибошлаш шаклида бўлади. Тошкентда Талас вилоятининг ваколатхонаси очилди.

Икки вилоят ўртасида саёҳатчилик, маданият, маориф, кадрларни ўқитиш, халқ хўжалигининг турли соҳаларида тўпланган ва томонлар учун фойдали бўлган тажрибаларни ўзаро алмашиш ҳам назарда тутилган.

Яқин кунлар ичида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзолангач, иқтисодиёт ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича ҳамкорлик қилиш аниқ келишиб олинади. Икки вилоятнинг ҳар соҳада бир-бирига мададкор бўлиши ҳозирги вақтда ҳукм сураётган қатор қийинчиликларнинг бартараф этилишига ёрдам беради.

М. МИРҲАМИДОВ.

МАНФААТДОРЛИК ОШЯПТИ

ЎТГАН йили Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли қишлоқ хўжалик корпорациясида ўртача ойлик 142 минг сўмни ташкил этди. А. Абдурахмонов бошлиқ бригадада ойлик маош 400 минг сўмга тўғри келди. В. Тхай бошлиқ илғор бригадада эса, аъзоларнинг ўртача ойлик маоши 450 минг сўмдан ҳам ошиб кетди. Корпорацияда яшовчи аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида 1993 йилда уларнинг ўзлари оладиган озиқ-овқатлардан ташқари хўжалик ҳисобидан 90 тоннадан зиёд ун, 150 тоннадан ортиқ шоли, 20 тонна гуруч, 4 тонна пахта ёғи, 10 тоннадан зиёд гўшт тарқатилди.

Бултур 16 километр жойга газ қувурлари тортиб келинди. 70 фоиз аҳоли турар-жойлари газлаштирилди. Бу йил ҳамма «зангори олов»дан тўла баҳраманд бўлади. Қурилиш ва ободончилик билан боғлиқ бошқа ишлар ҳам кўнгилдагидек боряпти. 160 ўринли қўшимча янги мактаб биноси қуриб битказилди. 95 ўринли шинам боғча биноси фойдаланишга топширилди.

Корпорация яқинда 2 та комбайн сотиб олди. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир сарф-ҳаражат катта маблағни талаб қилади. 2050 гектар майдонда шоличилик билан шуғулланиб келаётган, катта чорва фермаси, бир кеча-кундузда 30 тонна шолини қайта ишлайдиган цехи ва бошқа кичик корхоналари бўлган сармоядор, иқтисодий бақувват бир хўжаликка бундай ҳаражатлар чўт эмас. Ахир, «даромадга яраша буромад» деганлари аслн шу-да!

Х. НОСИРОВ.

• *Табиий офат содир бўлган жойда*

ҲАММА КУЧЛАР САФАРБАР

...ҚОҚ ТУН ярмида, 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси Гулдурамасойда фожеа юз берди. Кўчки кўчиб 600 минг куб метр чамаси тупроқ кўз очиб юмгунча учта уйни батамом босиб қолди. Яна бир уйнинг томорқа ва молхонасига шикаст етди.

Ҳали айрилиқ изтиробларн босилмасданоқ, 29 март куни саҳарда яна бир фожеа бўлди. Қорақишлоқ аҳоли пункти рўпарасидаги тепаликда тупроқ кўчди. Тахминан 400 минг куб метр ер жинси худди тошқин дарёдек оқиб келди. Гўшсойни кесиб ўтиб, нариги қирғоқдаги сойдан 30 метрча баландликдаги уйни батамом босиб қолди. Бир неча уй вайрон бўлди.

Ҳар икки ҳодиса юз берган жойга республика ҳукумати раҳбарлари, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов ва бошқа раҳбарлар зудлик билан етиб келишди. Табиий офат оқибатларини тугатишнинг шошилинч чораларини амалга ошириш бошлаб юборилди. Марҳумлар тупроқ тагидан чиқарилиб, мусулмончиликнинг барча расм-русумлари билан дафн этилди. Хавфли зонадаги барча оилалар вақтинчалик болалар оромгоҳларига, ташкилотларнинг дам олиш уйларига, кариндошуруғларининкига кўчирилди. Дастлабки хулосаларга кўра туманимиз ҳудудида 256 хонадонга кўчки кўчиш ва сув тошқини оқибатида зарар етиши аниқланган. Айни пайтда бу оилаларнинг бошқа хавфсиз жойларга уй қуриб, кўчиб бориши учун С. Раҳимов номли ширкат жамоа хўжалигида 17 гектар, «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигида 8 гектар, «Қурама» ёрдамчи хўжалигида 10 гектар ер майдони ажратилиб, ер участкалари бўлиб берилмоқда. Республика, вилоят ва туманда ташкил этилган фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиялар штаблари туну кун ишлаб турипти ва ҳар қандай муаммоларни зудлик билан ҳал этаяпти. Туман ички ишлар бўлимининг ходимлари тоғ кўчкиси ва сув тошқини рўй бериши эҳтимоли бор жойларга қўйилган 5 та постда навбатчилик қилишмоқда. Аҳолини хавфдан огоҳлантирувчи хизмат ходимларининг хушёрлиги оширилди. Хуллас, табиий офат оқибатларини тугатиш, жабрланганларга ёрдам бериш, одамлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кўп ишлар қилинаётир.

Бу тадбирлар ўз самарасини бераётир. Масалан, шанба куни Қорақишлоқ рўпарасида яна катта ҳажмда тупроқ кўчди. Бир неча турар-жойларга жиддий шикаст етди. Вилоят ва туман ҳокимликларининг ўз вақтида кўрган тадбирлари туфайли одамлар ўз вақтида хавфсиз жойларга кўчирилган эди. Минг шукрким, бу сафар қурбонлар бўлмади. Лекин, масаланнинг бошқа томони ҳам бор. «Бошга тушганини кўз кўрар», «Ҳар нарса Яратганнинг ўзидан» деган ақида кўпчилигимизнинг онгимизга ўрнашиб қолган. Беш-ўнта мол-ҳол қиламан, деб дуч келган жойга, ҳеч кимдан сўроқсиз уй қуриб олаверамиз. Бирор раҳбар ёки мутахассис келиб «Бу ерга уй қуриш мумкин эмас», деб хавфдан огоҳлантирса, «Ота-боболаримиз минг йиллардан бери шу ерда яшашган, биз ҳам яшайверамиз» деб жавоб берамиз. Шу зайилда сой ва дарёларнинг ўзанларига, тоғ этакларига уй қурилаверади. Бу уйларнинг на ҳужжатлари бор, на бирон-бир рухсатномаси.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Асрлар давомида қад кўтариб турган тоғ ҳам бир зумда қулаб тушиши мумкин. Гулдурамасой билан Қорақишлоқда ҳам худди шундай бўлди.

— Бу икки жойда кўчки юз бериши хавфи борлиги бизнинг мутахассисларимиз тахминида йўқ эди,— дейди республика геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раиси Тўлқин Шоёқубов.— Чунки, мутахассислар бу жойларни текширишганда кўчки юз бериши мумкинлиги аломатларини кўришмаган.

Бир неча йиллардан буён туман ва вилоятдаги тегишли ташкилотлар кўчки хавфи бор жойлардаги оилаларни кўчишга обдон ундашяпти. Масаланинг моҳиятини англаган, оиласи, жонини азиз деб билган инсонлар янги ер участкаларн олиб кўчиб кетишди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчимиз: кетма-кет фожеа рўй берганига, қурбонлар бўлганига қарамасдан Эртошдаги ака-ука Жўраевларнинг оилалари «Кўчмаймиз!» деб оёқ тираб олишди. Ахийри ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг аралашишига тўғри келди. Бундай мисоллар, минг афсуски, битта-иккита эмас. Бундайлар «Нима бўлса пешонамиздан кўрамиз» деб тилхат ёзиб беришдан ҳам тоймайдилар. Ўзларини, фарзандларнинг тақдирини ўйламайдилар. Йўқ, сизнинг жонингиз фақат сиз учунгина азиз эмас. Президентимиз Ислом Каримов шу йил 9 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида шундай деди: «Халқда «ҳар эҳтимолга қарши» деган теран маъноли гап бор. Бу рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай мушкулотнинг чорасини кўриб қўй, кейин қийин аҳволга тушиб қолма, дегани. Биз учун инсон ҳаёти — энг азиздир. Ҳеч нарса — на демократия, на ислоҳот битта гўдакнинг бевақт ҳазон бўлган ҳаётига арзимайди. Давлат ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фуқаролари ҳаётини муҳофаза қила олиши, унинг ҳалол меҳнат билан топган бойлиги нобуд бўлишига, сув ёки тупроқ остида қолишига йўл қўймаслиги керак».

Мутасадди ташкилотларнинг таъкидлашича, бу йил тоғларда ҳар йилдагидан анча кўп қор тўпланган, ёғингарчилик бошқа йилларга нисбатан мўлроқ бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳам тоғларда ва тоғ ёнбағирларида кўчки кетиши, дарё ва сойларнинг суви тошиши, сел келиши хавфи ҳар қачонгидан юқори. Демак, кўчки ва сел ҳавфи бор жойлардаги оилалар вақтинча хавфсиз ерларга кўчиб туриши керак. Огоҳлантирувчи постларнинг айтганларини сўзсиз бажариш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиши лозим.

Яна бир хусусда тўхталмасликнинг иложи йўқ. Қишлоқларимиздаги ариқлар, каналлар ҳаддан ташқари ифлосланган. Турли чиқитлар, ахлатлар, лой-балчиқ билан кўмилиб қолган. Аввалларн одам бўйи сув оқадиган ариқларга энди челак ҳам ботмайди. Айрим шахслар эса ариқ-зовурларнинг чеккаларини, ҳатто, ариқнинг ўзини томорқа қилиб олган. Хўш, ҳозир кўпроқ сув келса қаердан оқади-ю, қайси томонга йўлини топади? Ота-боболаримиз, энг аввало, ҳовузларни, ариқ ва каналларни тозалашган. Қишлоқларнинг оқсоқоллари, маҳалла фаоллари ариқ-зовурларни тозалашга бошқош бўлишлари, қишлоқ аҳлини бу савобли ва озодачилик ишларига сафарбар этишлари лозим. Ширкат жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар зарур ҳолларда қишлоқ аҳлига ҳеч қандай баҳонасиз техника ва транспорт билан ёрдам беришлари зарур.

Гўшсойдаги фожеалар ҳеч қачон, ҳеч қаерда такрорланмаслиги керак. Бу эса сиз билан бизга, ҳар қандай фалокатнинг олдини олиш учун белгиланган тадбирларни аҳиллик ва жипслик билан бажаришимизга боғлиқ. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта: ҳеч кимнинг бошига мусибат тушмасин!

А. АБДУЛҲАҚОВ,
Оҳангарон тумани.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДАГИ САВДО

Ўзбекистон Республика биржасида 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва «сўм-купон»нинг харид қобилиятини оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ дастлабки савдо бўлиб ўтди. Унда ички ва ташқи бозорлардаги вужудга келган талаблар ва устиворликлар ҳисобга олинган ҳолда, сўм-купоннинг хорижий валюталарга алмаштириш қиймати аниқланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 16 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюталарнинг сўм-купонга нисбатан қуйидаги қиймати белгиланганни маълум қилади.

1 Австралия доллари	2640.63
1 Австрия шиллинги	302.52
1 Инглиз фунт стерлинги	5364.58
10 Бельгия франки	1032.36
1 Голланд гульдени	1893.38
10 Грек драхми	145.04
1 Дания кронаси	542.71
1 АҚШ доллари	3637.00
1 Миср фунти	1077.63
1 Ирландия фунти	5208.18
1 Исландия кронаси	50.26
10 Испан песети	261.24
100 Итальян лираси	222.24
1 Канада доллари	2633.60
1 Қувайт динори	12233.43
10 Ливан фунти	21.50
1 Немис маркаси	2126.28
1 Норвегия кронаси	490.42
10 Португалия эскудоси	208.13
1 Сингапур доллари	2330.66
10 Туркия лираси	980.32
1 Финляндия маркаси	660.42
1 Франция франки	621.50
1 Швеция кронаси	459.08
1 Швейцария франки	2512.61
1 ЭКЮ	4110.54
10 Япония иенаси	350.22
1 Россия рубли	2.04
1 Эстония кронаси	265.28
10 Украин карбованеци	2.88
1 Латвия лати	6414.46
1 Литва лити	909.25
1 Қозоқ тенгеси	165.62
1 Молдова лейи	882.77
10 Беларусь рубли	2.02

Сара уруғлар етказиб берилди

Мустақил республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш иқтисодий ислоҳотнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб турипти. Президентимизнинг ғалла зорларни кўпайтириш ҳақидаги кўрсатмалари асосида катта ишлар амалга оширилмоқда. Тўйтепадаги макка донини саралаш заводи ғалла етиштиришни кўпайтириш борасида муҳим ўрин тутадиган корхоналардан биридир. Завод жамоаси ҳозирга қадар 2 минг тонна сифатли буғдой уруғи етказиб берди. Мамлакатимиз ғаллакорларига буғдойнинг «Безостая-1», «Сурхак», «Бахт», «Жанубий Қозоғистон» каби бир қатор сермаҳсул нав уруғлари тайёрлаб беришди. Шунингдек улар 4 минг тоннадан зиёд маккажўхори уруғи ҳам саралашди. Яна бир тонна шоли уруғи тайёрланмоқда. Яқинда заводда бўлган давлат комиссияси уруғ сифатини юқори баҳолади.

М. БОЗОРАЛИЕВ.

ҲАР БИР СОҲАДА ТАРТИБ —ИНТИЗОМ БЎЛСИН

17 апрель — якшанба куни вилоят ҳокими Мирзаворот Икромов Пискент, Бўка, Бекобод туманларида, қатор хўжаликларда бўлиб, кишлоқ хўжалиги экин-тикин ишларининг бориши, ободончилик соҳасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шунингдек, айрим хўжаликларнинг хонадонларида бўлиб, уй соҳибларининг турмуш шароитлари билан қизиқди, суҳбатлашди. Ҳоким туманларда, хўжаликларда олиб борилаётган яхши ишлар, айрим тажрибаларни қайд этиш билан бирга йўл қўйилаётган бир қатор камчилик ва нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди.

ДЕҲҚОН НОМИНИ АРДОҚЛАНГ

ПИСКЕНТ туманидаги «Дўстлик» давлат хўжалигида чорвачиликдаги эришилаётган натижаларни қаноатланарли, деб бўлмайди. Чорва молари маҳсулдорлиги кўнгилдагидек эмас. Лекин, шунга қарамай тармоқнинг самарадорлигини ошириш учун бор имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Мавжуд озуқа тежамли сарфланмаётир. Ўтган йили режадаги майдонларга озуқа экиш тўла бажарилмаган эди. Бунинг устига бу йил ҳам мавжуд бедазорларга қаров яхши бўлмади. 25 гектар майдондаги бедалар ўримга келмасдан ўрашга киришилди. Лекин, техника яхши созланмаганлиги учун ўрилган беданинг 30-40 фоизи ерга тўкилиб қоляпти. Шундай қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйиляпти. Ердан оқилона фойдаланилмаяпти. Беда пайкаллари бошидаги ўқариқларни олиш жараёнида 5-10 метр ер бўш қолиб кетган. Бунлар ҳақиқий деҳқонга хос иш эмас, албатта. Деҳқон ўз номини ардоқлаши лозим.

ҚАРОВСИЗ БОҒЛАР

ДАЛАЛАРНИ айланган киши Бўка туманидаги айрим жойларда боғ ва узумзорларга қаров яхши эмаслигининг гувоҳи бўлади. Бу ҳол, айниқса, Бўка ва Бекобод шоҳ йўллари атрофларида шундайгина кўзга ташланади.

Аввало шуни айтиш керакки, бу ердаги боғларнинг хатосига кўчат экилиб, тўлдирилмаган, қаторлар сийрак бўлиб қолган. Узумзорлар ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Бунинг устига боғ-роғларнинг этаклари тўлиқ ҳайдаб қўйилмаган, деҳқончилик маданияти талабга жавоб бермайди. Молҳолларнинг далага, боққа кириб, пайҳон қилишига имкон яратиляпти. Ахир ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бундай аҳволга йўл қўйиб бўлмайди-ку. Мева-чевани кўпайтириш, мўл ҳосил етиштириш учун ҳар туп мева дарахти эътиборда бўлиши, уларнинг парвариши рисоладагидек амалга оширилиши керак. Наҳотки бу ҳақда боғбонларга, деҳқонларга тушунтириш зарур бўлса?! Ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарур!

ОЗОДАЛИК — ДИЛИ РАВШАНЛИК

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ташаббуси билан «Соғлом авлод учун», ордени таъсис этилди. Ҳамма ерда соғлом авлод учун кураш авж олдирилди. Лекин, бу мақсадга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Ҳар бир хўжалик, ташкилот, корхонада бунинг учун, энг аввало, озодагарчиликка эътибор бериш керак. Озодалик бор жойда дили равшанлик бўлади, ишда унум таъмин этилади, одамларнинг кайфияти чоғ бўлади. Афсуски, айрим жойларда бунга эътибор берилмаяпти. Бекобод туманининг чегарасидан бошлаб то унинг адоғигача бўлган йўлларнинг икки томонида ҳар ер-ҳар ерда ахлат уюмлари кўзга ташланади. Минг афсус! Айрим жойларни одамлар ўз «ташаббус»лари билан ахлатхонага айлантириб юборганлар. Ахир бу мусулмончиликка ҳам тўғри келмайди-ку?! Ахлатхоналар — турли хил юқумли касалликларнинг келиб чиқиши учун шароит яратади. Ойбек номли жамоа хўжалигида хунук бир манзарага дуч келинди. Зовур ичлари турли хил чиқинди ва ахлатлар билан тўлдириб юборилган.

Ҳозирги кунда республикамизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам бўлиши мумкин бўлган сел, ёмғирлар оқибатида вужудга келадиган тошқинларга қарши кураш ва оқава сувларни оқизиб юбориш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Ана энди ўзингиз ўйланг. Туман худудида, шу хўжаликда бундай аҳвол рўй бериб қолгудек бўлса, оқава сувлари қаерга оқади?! Турар-жойларни сув босиб кетмайдими? Нега бу ҳақда ўйлашмайди. Жамоа раҳбарлари, мутасаддилар қаёққа қарашяпти?! Бу аҳвол учун ким жавоб беради?

Бундай манзара бошқа жойларда ҳам кўзга ташланди. «Ўзбекистон» хўжалигида аҳлатлар оқар сувга ташланаётганлигининг гувоҳи бўлинди. Бу ўтакетган масъулиятсизлик эмасми? Ахир ота-боболаримиз сувни муқаддас бойлик деб билишган-ку. Сувга аҳлат ташлаш уёқда турсин, ҳатто, унга тупуриш ҳам гуноҳ ҳисобланган-ку. Нега эндиликда бу удумларни унутиб, менсимай қўйдик. Ахир шу сувдан шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли фойдаланади-ку! Сув ифлос бўлса, уни истеъмол қилиш натижасида ҳар хил касаллик тарқалади-ку. Туман эпидемиология ва санитария станцияси раҳбарлари нега томошабин бўлиб туришибди? Қасалхона мутасаддилари бу хунук аҳволни кўра-била туриб, нега ўзларини кўрмасликка оладилар. Жамоатчилик нега лоқайд? Шуми соғлом авлод учун кураш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишига бўлган муносабат?!

КИШЛОҚДА ЯШАИСАНМИ, ХЎЖАЛИК ИШИГА ҲИССА ҚЎШ!

ҲОКИМ Бекобод туманидаги хўжаликларда бўлиб, «Хос» жамоа хўжалигида механизатор Эркин Тоғаев хонадони турмуши, яшаш шароити билан танишди. Тоғаев ўн фарзанднинг отаси. У ўз бурчини яхши бажариб, ҳар йили хўжаликда экин-тикин ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Ҳамқишлоқлари ҳурматига лойиқдир.

Механизатор — қишлоқда ҳал қилувчи шахс. Улар биз амалга оширмоқчи бўлган ишларни бажаришда энг яқин ёрдамчиларимиз ҳисобланадилар, деди ҳоким. Шу хўжаликдаги нафақахўр Қодир Ҳосиловнинг иши ҳам ибратлидир. У кексайган бўлишига қарамай, дала ишларида фаол қатнашяпти. 14 гектар буғдойзорни ижарага олиб, мўл ҳосил етиштиряпти. У ўша куни ғаллага сув қўяётган эди.

— Қандай камчиликларингиз бор?

— Шукр, ҳамма нарса етарли, биз деҳқонларга эркинлик яратилди, катта ҳуқуқ берилди. Бунинг учун Президентимизга, вилоят ҳокимлигига раҳмат!..

Шу хўжалик ҳудудида истиқомат қиладиган доришунос Алибек Хўжамов билан суҳбатлашилди.

— Ишларингиз қалай?.. Сир эмас, ҳозир дорихоналарда дори-дармонга ишлатиладиган пахта, бинт, докалар етишмайди-ку! Қишлоқда яшаркансиз, ер-сувидан, бошқа хизматларидан фойдаланаркансиз. Ўтган йили йиғим-теримда қатнашдингизми, қанча пахта тердингиз, қанча пилла боқдингиз? Ахир не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг бир қисми далада қолиб кетди-ку! Биз ҳисоблаб чиқдик. Қишлоқда анча-мунча аҳоли яшайди. Агар бу кучлардан тўла фойдаланилса, меҳнатга қобилиятли ҳар бир одам йиғим-теримда қатнашса, ёрдамчи чақириш шарт эмас. Етиштирилган ҳосилни ўз кучларингиз билан, вақтида териб олиш мумкин эди-ку. Ана шунда ҳосил ерда қолмасди, режалар бажариларди. Демакки, айтиш мумкин, дорихоналарда пахта, бинт ва докалар ҳам сероб ва етарли бўларди. Ҳар бир жамоа аъзоси буни тўла ҳис қиладими. Тушуниб етяптими. Ана шу ҳақда ўйлашимиз керак. Ўз уйингизнинг олдини, атрофини обод қилиб қўйибсиз. Бунинг учун раҳмат. Хўжаликда ҳам бундай ишларни амалга оширишда фаол бўлинг. Мадомики, қишлоқда яшаркансиз, хўжалик ишига ҳам ўз ҳиссангизни қўшинг...

Ҳоким тумандаги айрим хўжаликлар, хусусан, Улуғбек номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида бўлганида ҳам бу фикрларни қайта-қайта уқтирди, санитария-гигиена ишларини яхшилаш, озодалик учун курашда фахрийларни фаол қатнашишга чақирди. Деҳқончилик, ободончилик соҳасидаги айрим ишларда хосликлардан ўрганиш лозимлиги уқтирилди...

Вилоят ҳокими билдирган мулоҳазалар, танқидий фикрлар юзасидан туманларда фаолларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда қайд этилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, Пискент туманидаги «Дўстлик» давлат хўжалиги директори Х. Нуров, шунингдек, хўжалик бош агрономи Ж. Жўрахолов, бош муҳандис Д. Тулепов, туман қишлоқ хўжалиги техника таъминоти ва таъмирлаш идораси бошлиғи А. Абубакировлар фаолиятларида жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари учун ишдан озод қилиндилар.

Бекобод тумани фаоллари йиғилишида ҳам ободончилик, санитария-гигиена, тозалик ишларига лоқайдлик билан қараган, бу соҳадаги камчиликларни тугатиш юзасидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажармаган раҳбарларга нисбатан жазо чоралари кўрилди.

Айни кунларда белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан қизғин иш бошлаб юборилди.

Чигит экиш кундалиги

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ...

БЕКОБОД туманидан хушхабар келди. Энг муҳим тадбир — чигит экишда вилоятда пешқадамлик қилаётган Бекобод туманидаги «Ғалаба», «Ўзбекистон», «Деҳқонобод», «Хос», «Далварзин», Улуғбек номли жамоа хўжаликлари биринчилардан бўлиб ерга чигит қадаб бўлдилар.

Бекободликлар бу йилги экиш мавсумига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрдилар. Табиий қийинчиликларга қарамай барча экин майдонлари ўз вақтида гўзапоядан тозаланиб, шудгорланди. Уруғлик ва ёнилғи-мойлаш материаллари етарли миқдорда жамғарилиб қўйилди. Техника эрта ва сифатли созланди. Пухта ўйлаб амалга оширилган тадбирлар жуда қўл келди. Туман хўжаликлари далаларида 265 та сеялка тўла қувват билан ишлади. Аввал қизғин кунларда улар билан 3 минг гектаргача ерга уруғ қадалди. Ҳар бир агрегатнинг иш унуми 11—12 гектаога тўғри келди. Экишни 7—8 иш қунида якунлаётган азамат механизаторлар ҳар эҳтиёмолга қарши қатқалоқнинг олдини олиш чораларини ҳам кўриб қўйишди.

Туман хўжаликларининг деҳқонлари бу йил уруғнинг нави ва сифатига алоҳида эътибор бердилар. Асосий майдонларга пахтанинг серҳосил ва тезпишар ингичка «Ан-Боёвут-2», «Наманган-72» навлари экилди. Об-ҳавонинг сернам келишини олдиндан ҳисобга олиб, 5,5 минг гектар майдонга чигит фақат пушталарга экилди. Бу тадбир чигитнинг тупроқ намига тез униб чиқиши, қатқалоқнинг олдини олиш имкониятини беради.

Вилоятимизнинг Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Ўртачирчиқ, Бўка ва Юқоричирчиқ туманларида ҳам чигит экиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Улар ҳам бугун-эрта чигит экиш режасини тугаллаш арафасида турибдилар.

Вилоятда экиш суръати кундан-кунга ошиб бормоқда. 19 апрель куни салкам 13 минг гектар ерга чигит қадалди. Бу олдинги кунга қараганда анча кўпдир. Агар суръат шу тарзда давом этса, вилоятимиз деҳқонлари яқин кунларда чигит экиш мавсумини муваффақиятли якунлаб, катта довон ошадилар, бўлғуси мўл ҳосилга пухта замин яратадилар.

ФЕРМА ЭГАСИНИ ТОПДИ

● Суратда: ферма раҳбари Ғ. Дадажонов сут соғувчилар билан.

Р. ШАГАЕВ сурати. (ЎзА).

Говмишларнинг чўзиб-чўзиб маъраши кечки соғин бошланишидан дарак берди. Дам ўтмай, елини сутга тўлган сигирлар ферма ҳовлисидаги йайратиб боқиш майдончасини тарк этиб, охурларига ширали озуқа тўлдирилган оғилхоналар томон йўл олди. Оппоқ халат кийган соғувчи қиз-жувонлар ишга киришиб кетди.

Ҳовури чиқиб турган серқаймоқ сутни бидонларга қўяётган истарасн иссиқ жувон билан суҳбатлашдик. Оппоқ дуррачасини қайта тангғир экан, Фарида Ҳакимова деб таништирди ўзини.

— Фермада йигирма йилдан бери ишлайман. Аммо ислоҳотнинг қадами қутлуғ келди. Шогирдларимнинг кайфияти яхши. Бунинг боиси бор. Январь ойидан бошлаб ферма давлат тасарруфидан чиқди. Биз уни кўпчилик бўлиб сотиб олдик. 21 бош сигирни парваришлайман. Илк натижалар ёмон эмас. Ҳар бош сигирдан 9—10 килограмм сут соғиб оляпман. Ферма шахсий бўлгач нима ўзгарди, деб сўрашади. Энг муҳимини айтсам, бизда манфаатдорлик ва ишга ихлос ортди. Ҳар соҳада тежамкор бўлиб қолдик...

Соғин тугаб, бидонларга серқаймоқ сут тўлатилгач, қизлар гурунги яна авжига чиқди. 20 бош сигирни парваришлаётган Ҳилолахон Ҳайдарова ҳазил-мутоиба билан даврани обод қилса, сигирлар дояси Роза Ағзамова янгигина туғилган бузоқчаларни мақтаб, соғувчилардан суюнчи сўрайди. Ахир, соғин сигирларнинг кўпайгани яхши-да!

Роза опа бахтини фермада топган. Турмуш ўртоғи Хорис Ағзамов у билан ёнма-ён ишлаб бузоқларни беш ойга етгунга қадар боқиб беради. Қизлари Мария — ферма лаборанти. Роза она асосан бўғоз сигирларни парваришлайди. Янги тўққан сигирлар бир ой алоҳида рацион асосида парваришлангач, подага қўшилади.

Ферманинг саранжом-саришталиги бу ердаги аҳиллик, файз-баракадан дарак беради. Чунки фермага ишнинг кўзини билган Ғофиржон Дадажонов раҳбарлик қилмоқда.

— Илгари ферма зарар кўриб ишларди,— дейди Ғофир ака.— Иқтисодий жиҳатдан хўжаликка қарам эдик. Ҳали у, ҳали бу етишмасди. Ҳисоб-китоб жўяли эмасди. Фермани хусусий мулк қилиб олиш учун пухта тайёргарлик кўрдик. Сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш лозим эди. Ферма хусусий бўлгач, уялиб қолмаслик режаларини туздик. Натижада бултур шу даврда ҳар бир сигирдан ўртача 4 литр сут олинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 9,5—10 литрга етди.

Биз бунга қандай эришдик? Январь ойида Абдураҳмонов жамоа хўжалиги билан шартнома туздик. Бироқ фермани сотиб олишга маблағимиз етмас эди. Хўжалик ферма ҳақини ўн йил муддат мобайнида тўлашга рухсат берди. Соғиб олинган сут ҳисобигагина 4 миллион сўмлик дастлабки тўловдан қутилдик. Ҳозир ферма фойда кўриб ишлаяпти. Соғувчилар иш ҳақи ортди. Жамоа хўжалиги қўшимча 16 гектар ер ажратиб берди. Суғориладиган ерлардан мўл ҳосил оляпмиз. Беда, лавлаги ва маккажўхори озуқа экинларининг асосини ташкил этади.

Наслдор сигир боқмаган фермер сутни кўпайтираман деб овора бўлмасин. Ўтган йилнинг ўзида 20 бош соғин сигир сотиб олдик. Ҳозир 470 бош говмишни меҳр билан парвариш қилаётгирмиз. Фермага оила аъзоларимиз ҳамда илгари мен билан ишлаган жамоа аъзолари эгалик қилмоқда. Мақсадимиз — хусусий мулкдорлик самарали эканини амалда кўрсатиш.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.
Тошкент тумани.

ФАОЛИЯТЛАРИГА ТАНҚИДИЙ ЁНДОШИБ

МАЪЛУМКИ, халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида, 1993 йил декабрь ойида бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилишида, баъзи туманлар қаторн Қуйичирчиқ туманида ҳам иқтисодий ислоҳотлар суст бораётганлигн, айниқса, чорвачилик фермаларидаги аҳволнинг ночорлиги, чорвадорлар учун зарур қулайликлар яратилмаганлиги жиддий танқид қилинган эди.

Туман ҳокимлигн билдирилган танқидий мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқарди. Ўз фаолиятига талабчанлик билан ёндошиб, ишда сезиларли ўзгаришлар қилмоқда. Туман аҳли энг муҳим, давр-талаб масалалар, муаммоларни ҳал этиш, фурсатни ғанимат билиб дала ишларини сифатли ўтказишга киришмоқда.

Туман ҳокими Рустам КАРИМОВ билан мулоқотимиз айни кунларда амалга оширилаётган ишлар, истиқболни кўзлаб белгиланаётган тадбирлар ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш хусусида бўлди.

— Рустам ака, вилоят фаоллари йиғилишида тумандаги жиддий камчиликлар ва нуқсонлар ҳақида анча кескин фикрлар айтилган эди. Хусусан, иқтисодий ислоҳот суст бораётгани, худудда тозаликни таъминлаш эътибордан четда қолаётгани танқид қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида бу борада қандай ўзгаришлар қилинди? Ислоҳотлар бирмунча жадаллашди, деб айтиш мумкинми?

— Дарҳақиқат, фаоллар йиғилишлари, халқ депутатлари вилоят кенгашининг XIV сессиясида бизнинг шаънимизга билдирилган танқидий мулоҳазалар жуда ўринли эди. Фаолиятимизда рўй берган бўшашувчанлик, хотиржамлик, лоқайдлик кайфиятларидан кўз юммаймиз. Аччиқ гаплар эндиликда ишимизни қайта қуришимизда ёрдам бермоқда, деб бемалол айта оламан. Биринчи навбатда чорвачиликка эътиборни кучайтирдик. Бу соҳада хизмат қилаётган кишиларга қулайликлар яратиш билан шуғулланмоқдамиз. Дала ишларини агротехник талаблар даражасида ўтказиш юзасидан белгилаб олинган тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бугун кечқурун 13 минг 200 гектар ерга чигит экиб бўлганлигимиз ҳақида туман статистика бўлимига маълумот берамиз. «Дўстлик», Улуғбек номли, «Гулистон», «Ўзбекент» жамоа хўжаликларида чигит жуда қисқа муддатларда сифатли экиб олинди.

Тозалик борасида ҳам анча ишлар қилдик. Хусусан, барча худудлардаги дарахтлар оқланди, кўчалар, хиёбонлар тартибга келтирилди. Йиғилиб қолган ахлат уюмларидан ҳоли бўлдик. Маҳаллаларда, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда фуқаролар йиғини кенгаши оқсоқоллари тушунтириш ишларини фаол олиб бормоқдалар. Ариқ-зовурлар ҳам чиқиндиларидан тозаланди. Албатта, бу билан хотиржам бўлиб қолмаймиз. Шундай экан, санитария талаблари даражасида иш олиб боришга, истиқомат жойларини озода тутишга бундан кейин ҳам интилаверамиз. Шу ўринда тозаликни таъминлаш юзасидан ҳар бир маҳаллага, ҳар бир кўчага вилоят ҳокимининг топшириғига кўра масъул киши тайинлаб қўйилганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Чорвачилик соҳасидаги ишларни янада батафсилроқ тушунтириб берсангиз.

— Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг сессиясида Президентимизнинг бу масалага жиддий эътибор бердилар. Сессиядан сўнг сал ўтмай, вилоят ҳокими туманимизда бўлиб, фермалар аҳволи билан танишди. Бизнинг чорвачиликдаги ишларимизга жуда ўринли эътирозлар билдирди. Тегишли хулоса чиқариб олдик. Эндиликда ҳар ҳафтанинг бир кунини туманимиз ҳокимлиги раҳбарияти, мутахассислар биргаликда фермаларни бориб кўриш ҳамда аҳволни таҳлил этишга ажратдик. Натижа ўзини кўрсатди. Сигирлардан соғиб олинадиган ўртача кўрсаткич сезиларли даражада ортди. Хусусан туман бўйича кунига сут соғиб олиш миқдори 3 тоннаданга кўпайди. Аҳолидан сут йиғиб олиш талаб даражасида йўлга қўйилди. Ўтган йилнинг шу вақтдагига қараганда, давлатга бир неча тонна сут кўп топширилди. Биз чорвадорларга қулай шарт-шароитлар яратиш тадбирларини ҳам изчил амалга ошириб боряпмиз.

Чорвачилик тараққиёти ҳақида гап борар экан, ўз камчиликларимизни эътироф этган ҳолда бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам борлигини айтиб ўтмоқчиман. Ўрим техникасининг нархи қимматлиги, эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги хўжаликларни саросимага солиб қўйди. Илгари беда мавсумда 6 марта ўрилар эди, кейинги йилларда 4 марта ўриляпти. Техниканинг носозлиги, таниқислиги бунга сабаб бўлмоқда. Не ҳасрат билан деҳқон далада етиштирган маккажўхори кўк поясини мавсумда ўриб олиш муддати 10—15 кунни ташкил этгани ҳолда, бу муддат техника йўқлиги сабабли 1 ойга чўзилиб кетмоқда. Бу эса кўкпояннинг қуриб, салмоғи, ширадорлиги йўқолишига олиб келмоқда. Дори-дармоннинг камайиб кетиши, айниқса, фермаларни санитария жиҳатидан қайта ишлаш учун зарур воситаларнинг танқислиги молларни касалликка чалинтирмоқда. Чорвачиликдаги бу муаммоларни биз вилоят ҳокимлигининг тегишли ташкилотлари билан биргаликда ҳал этишимиз керак бўлади.

— Хабаринг бор, халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида, ундан кейин бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида кадрлар масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳамиша ва ҳар қачон ҳам ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ бўлган. Сессиядан кейин баъзи ташкилий ишларни амалга оширдик. Майда хўжаликлар йириклаштирилди. Халқимизда бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Йирик хўжаликнинг даромади ҳам йирик бўлади ва бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида шу даромаднинг бир қисмини зарур техника воситалари сотиб олишга сарфлаш имконини беради. Биз фақат хўжаликларга раҳбарлик қилиш учун малакали, билимдон мутахассислар тайёрлаш ҳақидагина ўйлаётганимиз йўқ. Хўжаликлардаги етакчи мутахассислар ҳам ўзлари эгаллаб турган лавозимларга, бугунги талабга жавоб берадиларми-йўқми, шу ҳақда ҳам жиддий ўйламоқдамиз ва тез орада бундай ходимларни шаҳодат кўригидан (аттестациядан) ўтказишга киришамиз.

— Туманда ишчи ўринларни яратишга эътибор қандай эканлигини ҳам билмоқчи эдик...

— Чиндан ҳам бу долзарб вазифа бўлиб қолди. Ҳозир бизда янги иш жойи очиш мақсадида ташкил этилган 40 та кичик корхона, 31 та ширкат, 8 та хусусийлаштирилган корхона ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти қурилиш материаллари ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Улар 1993 йилда 885 миллион сўмлик иш бажарди ва маҳсулот ишлаб чиқарди. Жанубий Корея билан Шарқ тиббиёти усулида даволаш бўйича қўшма корхона ташкил этишни кўзда тутганмиз. Бу борадаги ҳужжатлар юқори ташкилотлар тасдиғига ҳавола этилган. Рухсат бўлиши билан биз ер ажратамиз, кореялик тадбиркорлар доривор ўсимликлар экишни, уни қайта ишлаш учун корхона қуришни бошлайдилар. Пиллачилик, картошкани қайта ишлаб, озиқ-овқат маҳсулоти тайёрлаш бўйича ҳам қўшма корхоналар очиш режалаштирилган. Республика енгил саноати вазирлиги тери ишлайдиган ва шу теридан куртка-плаш тикиш бўйича қўшма корхона ташкил этишдек ҳайрли ишга бошқош бўлмоқда. Бино тайёр. У ишга тушса, 485 киши учун ишчи ўрни очилади. Йилнинг биринчи чорагида 190 та ишчи жойи фойдаланишга топширилди. Биз ёшларни иш билан таъминлаш борасида бошқа тадбирларни ҳам режалаштириб қўйганмиз. Бунда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган Тошкент шаҳар Сирғали тумани билан ҳамкорликка катта умид боғладик. Улар ёрдамида туманда 30 га яқин турли цехлар қуришга келишиб олдик. Айни пайтда биз йил давомида сирғалиликларни сабзавот, мева ва бошқа дала маҳсулотлари билан таъминлаб турамиз. Умуман, ҳокимлигимиз бу йил қайси соҳада бўлмасин, ўз-ўзига талабчанлик билан, камчиликлардан хулоса чиқариб, иқтисодий ислоҳотни жадал амалга оширишга аҳд қилган. Бу йўлда бор куч-имкониятларни ишга солишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

— Яқинда Ўзбекистон телевиденеси газеталарни шарҳлаш жараёнида «Тошкент ҳақиқати»да «Мен давлатга нима бердим?» деб номланган янги рукн остидаги материалларга батафсил тўхталиб, улар ҳақида анчагина ижобий фикрлар айтди. Бу рукнни Конституциямизнинг бир йиллигига бағишланган тантанада Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиқиб ташкил этдик. У газеталарнимизни бефарқ қолдирмади. Шу мавзуда олаётган хатларимиз кўпайди. Уларда «Ҳадеб давлатдан талаб қилавермасдан, ўзим бир фуқаро сифатида Ватанимга, эл-юртимга нима бердим, деган саволни ҳар ким ўзига бериши керак», деган ғоя қўллаб-қувватланмоқда.

— Ғазетангиз шарҳи ҳақидаги кўрсатувни мен ҳам томоша қилдим. Дилимдаги бор гапни айтай. Шу рукннинг очилгани яхши бўлди. Бу кишиларда ўз элига фидойилик, масъулиятни кучайтиради, уларни сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилишга даъват этади. Бунинг маъноси яна шундаки, у ҳар бир кишида мен-ку давлатим яратган барча имтиёзлар, қулайликлардан фойдаланяпман, мен бу мурувватни нима билан оқлаяпман, умумхалқ ишига қандай ҳисса қўшяпман, деган туйғуни оширади. Аммо, бунга эришиш ўзидан ўзи бўлмайди. Бунинг учун юксак онг, она юртга чин меҳр-муҳаббат эгаси бўлиш лозим. Бунинг учун аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарбиявий ишларни кучайтириш зарур. Мустақиллик мафкурасини яратиш ва шу мафкура асосида изчил ишлашимиз керак.

Ёдингизда бўлса, Президентимиз шу нутқларида иқтисодий ва сиёсий муаммолар билан бўлиб, мафкурага етарлича эътибор беролмадик, деган фикрни ҳам айтдилар ва эндиликда ана шу нуқсонни тезроқ тузатишга даъват қилдилар.

Дарҳақиқат, мафкура тўғри йўлга қўйилса, ҳар бир фуқарода ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш осонлашади. Тарбиявий ишни кучайтириш учун эса Президентимиз аниқ вазифаларни белгилаб бердилар. Бунда тарбиячилар, ўқитувчилар хизматига эътибор кучайтирилиши зарур. Чунки, юксак онгни шакллантиришда уларнинг хизмати катта. Шу боисдан ҳам биз бу соҳа кишиларига эҳтиром билдириб, уларга қулайликлар имтиёзлар яратишни бош мақсад қилиб қўйдик.

• Бу ҳақда сессияда гапирилган эди

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Мурод—2» фермер хўжалигига хорижий ишбилармонлардан ҳамкорлик қилиш тўғрисида бирданига бир неча таклиф тушди. Бу ерда дори-дармон ишлаб чиқаришда ва табобат саноатида фойдаланиладиган атиргул мойи ишлаб чиқариш бошланди. Хўжалик раҳбари Фурқат Мелиқуловнинг ўзи ғоят сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон берадиган янги технология ва янги ускуналарни ишлаб чиқди.

Бу ўзига хос лойиҳа ишбилармонлар ва фермер хўжаликлари республика танлови якунларига кўра энг яхши лойиҳа деб топилди. Фермерга мукофот тариқасида 50 миллион сўмлик қарз ҳасана берилди. Бу маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланади. Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими Фурқат Мелиқулов бошчилик қилаётган хўжаликда бўлиб ўтгани ҳам тасодифий ҳол эмас. Танлов ташкилотчилари—кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашиш республика жамғармаси, «Ипак йўли» инновация-тижорат акционерлик банки ва республика телерадиокомпанияси танлов қатнашчиларига «Мурод—2» намунали фермер хўжалигида ишнинг қандай юритилиши билан танишишга имконият яратишга аҳд қилган эдилар.

Йил бошида эълон қилинган танлов икки босқичда ўтди. Биринчи босқичда 300 га яқин ишбилармон ва фермер хўжалиги раҳбарлари қатнашди. Улар танловнинг экспертлар комиссиясига ўз хўжалиги фаолияти тўғрисида батафсил ахборот, шунингдек ўзлари ишлаб чиққан ва жорий этган янги лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни тақдим этдилар. 32 киши мусобақанинг иккинчи босқичига ўтди. Ғолиблар икки йўналиш бўйича аниқланди. Энг яхши деб топилган лойиҳаларни яратган кишиларга ишлаб чиқаришни ривожлантиришга фойда олинмайдиган қарз ажратилди. Хўжалик фаолияти бозор иқтисодиёти нуқтан назаридан энг самарали бўлиб чиққан кишиларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди. Ҳозир танлов қатнашчиларини кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги тажрибаларни ўрганиш учун сафарга юбориш мақсадида Хитой ҳамда бошқа давлатлар ишбилармонлари билан музокара олиб борилмоқда.

— Бу — республика миқёсида ўтказилган дастлабки танлов,— дейди экспертлар комиссиясига бошчилик қилган кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашиш жамғармаси бош директорининг ўринбосари М. Умаров.— Танлов Ўзбекистонда ишбилармонлик тараққиётининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш имконини берди. Танлов давомида олинган маълумотлардан жамғарма ишида фойдаланамиз, бу маълумотлар фаолиятнинг энг муҳим йўналишларини аниқлашда ёрдам беради. Марказда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам, айни ишлаб чиқариш соҳасида ишбилармонлик тез суръатлар билан ривож топаётгани қувонарли ҳолдир. Ишбилармонлар, бизнесчиларнинг янги авлоди пайдо бўлди, улар фақат ўзлари учун эмас, ватанимиз бахт-саодати, унинг иқтисодиёти юксалиши йўлида яхши меҳнат қилишга қодир кишилардир.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

СУРАТЧИНИНГ ҚИЗИ ҒОЛИБ

● СУНГГИ йилларда мухлисларнинг севимли газетаси бўлиб қолган «Суръат»нинг жамоатчи суратчиси Шуҳрат Муллаев фарзандларидан бирининг таниқли спортчи бўлишини жуда-жуда истарди.

Яқинда суратчининг қизи — Шаҳноза Муллаева таэквандо бўйича вилоят мусобақаларида қатнашиб биринчи ўринни, республикада эса иккинчи ўринни эгаллади. Нияти ушалган отани ҳамкасблар самимий қутлашди.

КИЧИК КОРХОНА САРЕҒ ЧИҚАРМОҚДА

● ТОШКЕНТ халқ хўжалиги илмгоҳи доценти Мирзатилла Абдураҳмонов бошчилигида «Гулистон» жамоа хўжалигида сутни қайта ишлайдиган цех фойдаланишга топширилди.

Маҳсулот таъми, сифати жиҳатдан давлат корхоналарида тайёрланганидан қолишмайди. Муҳими бу цех очилиши билан ишчи ўринлари яна кўпайди.

ЧЕРНОБИЛЧИЛАРГА 50 МИНГ СЎМДАН

● ФАЛОКАТ содир бўлган жойда вилоятимизнинг кўпгина йигитлари қатори юқоричирчиқлик мард ўғлонлар ҳам бор эдилар. Уларни туман ҳокимлиги ўз диққат-эътиборида тутиб келмоқда.

Атом электростанциясидаги офатни даф этишда иштирок этган эл фарзандларининг саломатлигини муҳофаза этиш борасида мунтазам ғамхўрлик кўрсатаётир. Яқинда туман ҳокимлигида бўлиб ўтган мулоқот чернобилчиларнинг бугунги ҳаёти, шарт-шароити мавзуида бўлди.

Суҳбат сўнгида ҳар бир чернобилчини ҳокимлик 50 минг сўм пул билан рағбатлантирди.

ХОККЕЙЧИ ҚИЗЛАР МАМНУН

● Кўп йиллик анъанага содиқ ҳолда Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги спортчи ёшларни мунтазам рағбатлантириб келмоқда. Яқинда туман ҳокимлигида «Политотдел» жамоа хўжалигининг чим устида хоккейчи қизлари билан учрашув бўлиб ўтди. Команда устози Игорь Хван шогирдлари эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб берди. Чунончи улар яқинда Бухорода ўтган халқаро турнирда фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

— Шуниси қувончлики,— деди у,— командани саккиз нафар спортчиси турли мусобақаларда республикамиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.— Бу биз учун ифтихордир.

Учрашувда туман ҳокими М. Қалқулов хоккейчиларга совғалар топширди. Жамоа хўжалиги раиси С. Т. Хван эса командани ҳамиша моддий қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

С. АБДУЛЛАЕВ.

«ТАРАҚҚИЙ»ДА ЯНГИ ТИББИЙ МАСКАН

Қибрай туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигининг «Тараққий» маҳалла аҳли яқинда яхши бир қулайликка эга бўлдилар. Янги қуриб битказилган амбулатория улар хизматига топширилди.

Янги бино олти хонадан иборат бўлиб, ҳар бир хона замонавий тиббий жиҳозлар билан етарли таъминланган, табиий газ ва ичимлик суви киритилган. «Наврўз» маҳалласи жамияти, туман санитария-эпидемиология станцияси ва 26-марказий дорихона янги даво масканини зарур асбоб-ускуналар, дорилар билан тўлиқ таъминланишида яқиндан кўмак берди.

С. МИРЗАЛИЕВ.

ҲУНАР ЎРГАНМОҚДАЛАР

Оққўрғон туманидаги 42-қишлоқ ҳунар-техника билим юртида таълим олаётган йигит ва қизлар электр пайвандловчи, сувоқчи, бўёқчи, ЭҲМ оператори, ҳисобчи, ошпаз, тикувчи-мотористка, тўқувчи касбини эгалламоқдалар. Бўлажак мутахассисларни малакали тайёрлаш учун бу ерда яхши моддий-техник асос мавжуд. Ёруғ, кенг синфлар ва устахоналар компьютерлар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ўқув юрти раҳбарлиги Тошкент тўқимачилик комбинати билан амалий алоқаларни йўлга қўйди. Тўқимачилар билан тузилган шартномага мувофиқ болалар учун цех очиб берилди. Бу ерда 24 та дастгоҳ ўрнатилган. Бўлажак мутахассислар дастгоҳларда амалий кўникмаларни эгаллабгина қолмай, ўзлари турли газмоллар ҳам тайёрлаб чиқармоқдалар. Бунинг учун эса стипендияларга қўшимча пул ҳам ишламоқдалар. Ўқув юртини тугатгандан сўнг 30 нафар ёш йигит-қиз Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга боради.

Билим юртида ўқувчиларнинг соғлиғи тўғрисида ҳам яхши қайғурилмоқда. Улар учун спорт зали, дам олиш зонаси мавжуд. Кенг ошхонада тўрт марта овқатланиш йўлга қўйилган. Узоқдан келиб ўқиётганлар учун 120 ўринли ётоқхона ҳам қуриб берилган.

Билим юртини битириб чиққанлар республиканинг турли корхона ва хўжаликларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда. Суратда: бўлажак ҳисобчиларни информатика синфида кўриб турибсиз.

А. ЗУФАРОВ олган сурат.

(ЎзА).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЙИЛИГА 15 МИНГТАДАН

● ИНСОН аъзоларини кўчириб ўрнатиш миқёслари тобора кўпаймоқда. Буни буйрак мисолида ҳам кўрса бўлади. Ҳозирги вақтда курраи заминимизда буйрагн кўчириб ўрнатилган уч юз мингдан ортиқроқ киши яшамоқда. Ҳисобларга қараганда, ҳар йили ўн беш мингта буйрак кўчириб ўрнатилар экан. Россияда бундайлар сони сал кам бир ярим минг кишини ташкил этади. Ҳар йили тахминан етти юз марта шундай жарроҳликлар ўтказилмоқда.

ЯГОНА ҚУШИҚ ДАҲОСИ

● ЎША вақтда Консузело Велискес бор йўғи 15 ёки 16 ёшга тўлган эди. Фортепиано синфи бўйича мусиқа мактабини битириб чиққан қизча «Бесаме мучо» қўшиғининг сўзини ёзди, уни мусиқага солди.

Мексикалик бу аёл ўзининг ягона қўшиғи билан дунёга машҳур бўлиб кетишини ҳам ҳаёлига келтирмаган эди, ўшанда. Бу қўшиқ матни қирқинчи йилларда Американинг Голливудда яратилган машҳур фильмларидан бирида ижро этилди. 1941 йилда эса АҚШда ташкил этилган биринчи хит-парадларнинг ғолиби бўлди. Шу кундан бошлаб қўшиқ машҳур бўлганидан машҳур бўлаверди. Уни кўп даврларнинг машҳур ва атоқли қўшиқчилари, хор жамоалари, эстрада санъати юлдузлари ижро этдилар. Бу қўшиқ дастлаб айтилганидан бери ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Консузлодан «Бесаме мучо» сизга қандай даромад келтирди, деб сўраганларида, у шундай деди:

— Кексайган вақтимда ҳеч қандай ташвишсиз яшаш, истиқомат қилиб турганим — уч қаватли уйни сақлаш, жаҳоннинг исталган бурчагига бориш, қисқаси ҳаётнинг барча лаззатларидан фойдаланиш учун етмоқда.

НУР СОЧАДИ, ҲИД ТАРАТАДИ

● ГЕРМАНИЯНИНГ Қуйи Саксония еридаги Целла шаҳри магистратининг оддий хизматчиси Фридрих Уве Арендт қоғоз қисқичлар ва канцелярия коллекциясига эга.

Унинг асосини отаси Фридрих солган, у узлуксиз 25 йил давомида шу магистратда хизмат қилган эди. Кичик Арендт отасининг бу ишқибозлигини давом эттирди. У экспонатларни дўконлардан харид қилади, шунингдек, турли мамлакатлар мериялари хизматчилари билан қилинган ёзишмалар орқали олади.

Унинг қоғоз қисқичлари орасида деярли бир аср илгари чиқарилганлари ҳам бор (юпқа бронзадан ишланган), оддий пўлат ва энг замонавий пластмассадан ясалганлари ҳам топилади, улар қоронғуда нур сочади. Қандайдир тропик дарахтидан қилинганлари ҳам бўлиб, улар ёқимли ҳид таратиб туради. Фридрихнинг айтишича, бироз ҳидлаб турсангиз, бош оғриғидан халос бўласиз. «Гамбергер абендбент» газетаси шу ҳақда ҳикоя қилади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

● *Долзарб мавзуда*

САЛОМАТЛИК ТОЗАЛИККА БОҒЛИҚ

БУ ЙИЛ вилоят ҳокимлиги ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ тозаликка эътибор бермоқда. Бу масала фаоллар, эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси ўтказаётган ҳар бир йиғилишда жиддий муҳокама этилаётир. Жойларда санитария-гигиена тартиб-қоидаларига риоя қилмаётган хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига, маҳаллалар қўмиталари раислари ва ишчи-хизматчиларнинг оқсоқолларига нисбатан чоралар кўрилмоқда. Хўш, бу тадбирлар ижобий натижалар беряптими? Ҳозир вилоятда манзара қай аҳволда? Махсус мухбиримизнинг вилоят санитария-эпидемиология станциясининг бош шифокори Р. ҚОСИМОВ билан мулоқоти ана шу мавзуга бағишланди.

— Рауф Абдусаматович, айтинг-чи, ишчанлик ва жиддий руҳда ўтган бу йиғилишларнинг самараси бўлдими?

— Албатта, бўлди. Очиғини айтишим керак, кейинги икки-уч йил мобайнида вилоятда тозалик масаласига бу даражада талабчанлик бўлмаган эди. Натижада аҳоли истиқомат жойларида, уларнинг атрофидаги сув ҳавзалари шохобчаларида, катта-кичик йўллар ёқаларида ахлат, турли чиқиндилар уюмлари кўпайиб кетган эди. Санитария шифокорларининг огоҳлантиришлари, жарималари, ўтказган суҳбатлари кўпинча зое кетарди. Аҳвол ҳунук оқибатларга олиб келди. Чиноз, Янгийўл туманларида ўткир юқумли ичак касалликлари кўпайди. Чиноза, ҳатто, уларнинг тарқалиши хавфи вужудга келиб қолди. Ким айбдор эди? Биринчи навбатда тозаликнинг, саранжом-саришталикнинг сақланишига хонадон соҳиби, жойлардаги жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раислари масъул бўлишлари керак эди. Иккинчидан, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашлари лозим бўлган коммунал хизмат ходимларининг лоқайдлиги туфайли ҳам вилоятда ташвишли аҳвол рўй бера бошлади. Ҳайриятки, вилоят ҳокимлиги бу ҳолатнинг олдини олишга жиддий киришди. Айбдор шахслар, ташкилотлар, маҳалла қўмиталари раислари ва туманларда ахлат ва чиқиндиларни махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари бирмунча жадаллашди.

— Амалга оширилган ишлар сизни қаноатлантирадими?

— Бу саволга аниқ йўқ деб жавоб бераман. Биз йиғилишлардан сўнг ҳар ҳафтада икки-учтадан шаҳар ва туманларда бўлиб, маҳаллалар, хонадонларни айланяпмиз. Танқидлардан кейин, асосан, катта кўчаларга яқин, «раҳбарлар кўзи тушадиган» жойлардаги ахлатлар олинганлиги, ҳудудлар тозаланганлиги маълум бўлди. Ичкаридаги манзара ҳали ўзгармади. Чиноз, Янгийўл туманларидаги ички кўчаларда ҳамон чиқиндилар ташиб кетилмаган. Бекобод туманидаги кўп ҳудудларни ахлат босиб кетган. Бир қатор хонадонларда кир ўралар йўқ. Кўчаларга мағзава оқизиш ҳолларига дуч келдик. Чиноз туманидаги Эски Тошкент, Пахта қишлоқлари, Оққўрғон туманидаги деҳқон бозори, автостанция, Пискент туманидаги Навоий, Охунбобоев номли хўжаликлар ҳудудлари, «Туркистон» жамоа хўжалигининг сут-товар фермаси ҳудуди ҳамон ахлатдан тозаланмаган. Кунлар исиб кетиши билан бу жойларда яна хавфли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

— Санитария ходимлари бу нуқсонларни бартараф этиш борасида қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар?

— Санитария ҳолатида рўй берган бу камчиликларга жавобгарлик масъулияти тизимимиздаги 142 нафар шифокорнинг зиммасидан асло соқит қилинмайди. Вир қатор туманларда назорат бўшашиб кетганлиги, хўжалик раҳбарларига нисбатан муросасозлик қилинаётганлиги ишни бўшаштириб юборган. Биз бундай жойларда ўзгаришлар қилдик. Энди талаб бошқача. Тозаликка масъул шахслар, корхона ва ташкилотлардан жарималар ундирилмоқда. Шу йилнинг ўзида 820 нафар раҳбар ва хизматчи ходимлардан 30 миллион сўм атрофида жарима ундирилди. Лекин, жарима билан чегараланиб қолмаяпмиз. Ўша жой, ҳудудни тозалашга, санитария талаблари асосида иш юргизишга астойдил ҳаракат қиямоқдамиз.

— Иш анча жойидан кўчганга ўхшайди. Вилоят аҳолисини бу йил хавфли касалликлар келиб чиқмайди деб, бехавотир қилиб қўйишга асос борми?

— Ҳамма нарса аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг тозалигига боғлиқ. Чунки, оғир хасталиклар бир бор пайдо бўлиб қолган жойда уларнинг микроблари узоқ умр кўради. Салгина эътиборсизлик бўлдими, у яна хуруж бошлайди. Шунинг учун жойлардаги хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар ахлатларни махсус жойга ташишлари учун транспортлар ажратишлари керак. Маҳалла қўмиталари раислари, ҳар бир кўчага вилоят ҳокимининг таншаббуси билан биркитиб қўйилган масъул кишилар тозаликка ривоя қилинишини жиддий назорат қилиб боришлари зарур.

— Билишимизча, вилоятда фақат юқумли касалликлар билан эмас, бошқа дардлар билан ҳам кураш кескинлашганга ўхшайди. Тўғрими?

— Ҳа, энди дардни яширадиган, хаспўшлайдиган замонлар орқада қолди. Бор гапни очиқ-ойдин айтиш керак, Вилоятда ики-уч йилдирки, қутириш касаллигидан ҳам талафотлар кўрилянти. Ўтган йили бир қанча чорва моллари шу дард туфайли ўлди. Бу йил икки инсон ҳаётдан кўз юмди. Бу кўпгина жойларда дайди итларга эътибор бермаслик оқибатида содир бўлмоқда. Илгари уларни ушлаб олиб кетиб, йўқ қиладиган бригадалар бўларди. Сўнгги йилларда ана шундай штатлар қисқариб, аҳвол мушкуллашди.

Вилоятда яқинда бўлиб ўтган эпидемияга қарши кураш комиссияси йиғилишида ана шу масала муҳокама этилди. Дайди итларни йўқотиш бўйича амалий тадбирлар белгилаб олинди. Бу борада ҳам ўзгаришлар бўлишига умид боғлаш мумкин.

Аммо бу ишларни биргина санитария шифокорлари билан амалга ошириб бўлмаслигини яна бир бор эслатмоқчиман. Тозалик, саранжом-саришталикни таъминлаш, дайди итларга қарши кураш — барчамизнинг муҳим бурчимиз.

Суҳбатдош Х. САИДВАЛИЕВ.

● *Қатралар*

ДИЛ ЯРАСИ

ЛАТТАДЕК бўшашиб, беҳушроқ бўлиб ётган одамдан сўрашади.

— Нима қилди. Очиғини айтинг. Билсак тезроқ дардингизга малҳам топасиз.

— З-заҳар-р-р-л-ландим, — дейди у аранг.

Кимдир экинга сочилган кимёвий доридан заҳарлангандир, деса, кимдир чаён чаққандир, заҳари ёмон, деб қатиқ топишга югуради. Кимдир шифокорга.

— Овора бўлманглар. Ҳар қандай дори-дармон яхши соғайишим учун бекор, — дейди бироз фурсат ўтгач ўзига келган бемор. — Тилнинг заҳарига учраб йиқилдим .Танамни кўтариб, юриб кетарман. Лекин дилим яраси битармикин?!

МОТАМСАРО КУЙ

АРИҚ сувини тўхтатиб, уни бетонлашди. Устига тушган зил замбилдан сувда яйраб ўйнаган, болаларга қувонч бахш этган балиқ, сузгич, товонтешар каби жонзот, ранг баранг сув ўтларининг ҳам ҳаёти сўнди.

Соҳилдаги дарахтлар бетоннинг дастидан сув ичолмай, ёз бўлсада яшиллигидан айрилиб, умрининг бемавруд ҳазон-резгилик даврига кирган.

Юрагим азият чекади. Бетон ариқда оқаётган сувнинг шивир-шивири тириклайин кўмилган табиат учун мотамсаро куй бўлиб инади қалбимга.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

● *Хотира* ●

ЯХШИЛАР УНУТИЛМАЙДИ

ИНСОН умрини оқар дарёга қиёс қиладилар. Ҳа, умр ўтади, боқий нарса йўқ. Файласуфлар одам ҳаёти йиллар билан эмас, унинг мазмуни билан ўлчанади, деганларида ҳам юз карра ҳақдирлар... Рустам ота Қурбоновни ҳам бемалол ана шундай ажойиб фазилатли, зукко ходим, меҳрибон дўст, фарзандларига соябон бобаракот зотлар тоифасига киритиш мумкин.

Рустам Қурбоновни нафақат вилоятимизда, балки жумҳуриятимизнинг қаерига борманг, уни билган одамлар «Наҳотки, у киши ҳам оламдан ўтдиларми?» деб ачиниш билан эслайдилар. Ана шундай кезларда бу кишининг одамлар қалбига яхшилик уруғларини сочганлигига, катта-кичиннинг кўнглини овлай олганлигига, ҳар бир қалбда ўзининг тотли сўзлари билан из қолдирганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан, киши.

...Ўтган йил вилоят прокуратурасида Наврўз тантаналарига бағишлаб ўтказилган учрашувда Рустам ака сўз олиб, ҳаммага тинчлик-смонлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаган эдилар. Афсуски, навбатдаги Наврўзга ўзлари етиб келмадилар. Бешафқат ўлим уни фарзандлари, хешу-ақраболари даврасидан юлқиб олиб кетди...

Р. Қурбоновнинг деярли бутун умри адлия соҳасига бағишланди. У Тошкент шаҳар ва вилоят туманларида узоқ йиллар прокурорлик лавозимларида ҳалол меҳнат қилиб, жиноятчиликка қарши курашда, қонунчиликни мустаҳкамлашда чин дилдан саъи-ҳаракат кўрсатди, катта обрў қозонди.

Одамлар Рустам акани немис-фашист босқинчиларига қарши урушнинг фаол иштирокчиси сифатида ҳам яхши билар эдилар. У жанг майдонларида катта матонат кўрсатди. Неча бор қўмондонликнинг ташаккурномаларига сазовор бўлди. Унинг кўксини орден ва медаллар шодаси безаб турарди. Р. Қурбонов ғалабани Берлин остоналарида кутиб олди. Қадрдон Ўзбекистонига фахр ва ғурур билан қайтиб келди.

Урушдан кейинги йилларда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиларга қарши кураш борасида хизматини давом эттирди. Унинг катта тажрибаси, амалий ёрдамлари беҳисоб шогирдларининг ёдидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Унга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган адлия ходими фахрий унвони берилган эди. Республикамиз Олий Кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳам қилган астойдил хизматларнинг муносиб баҳоси дейиш мумкин.

Рустам ота Қурбонов чиндан ҳам пиру-бадавлат оила соҳиби эди. У етти фарзандини олий маълумотли мутахассис қилиб етиштиришга муяссар бўлди. Айни пайтда унинг уч ўғли ота изидан бормоқда. Қўша-қўша набиралар ичида бобоси изини босадиганлар ҳали кўплаб топилади, дегимиз келади.

Кексалар инсон қадри ўтгандан кейин билинади, дейдилар. Бу нақлда катта ҳикмат бўлса, ажаб эмас. Яхши инсон ҳамиша ҳамрўз қалбларда муҳр бўлиб қолади. У кишининг номини эшитган чоғдаёқ юраклар бир хаприқиб тушади. Рустам ака Қурбонов ана шундай юракни хаприқтирадиган камтар, камсуқум, жўмард, айни пайтда билимдон, ўта тажрибали хизматчилардан эди. У кишининг номи ва ишлари фарзандлари, касбдош дўстлари қалбида ҳамиша яшайди. Бу турган гап!..

Р. УМАРОВ.

ТИЛМОЧ ЛУҒАТ

Ўзбекистон—Хитой муносабатлари жуда қадимий тарихга эга. Таъбир жоиз бўлса, бу муносабат бундан 22—23 аср илгари мавжуд бўлган Буюк ипак йўли билан боғланган.

Буюк ипак йўли Хитой ипагини ва бошқа молларни бир юртдан иккинчисига олиб ўтишгагина хизмат қилмаган. Шу билан биргаликда бу йўл турли ҳукмронларга бўйсунувчи эл ва элатларни, халқларни бир-бирига боғловчи кўприк вазифасини ҳам ўтаган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг халқлар ўртасидаги борди-келдиларга ўзгача йўл очди. 1992 йил март ойида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга ташрифи натижасида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, фан, техника ва маданият соҳасидаги муносабатлар жадал ривожланиб кетди, юзлаб қўшма корхоналар, фирмалар ташкил этилди, тижорат ишлари йўлга қўйилди.

Мана шундай шароитда бизнинг мамлакатимизда хитой тилини ўрганишга, Хитойда эса ўзбек ва бошқа тилларни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Бу эҳтиёжни чуқур ҳис қилган Тошкент давлат шарқшунослик институти хитой филологияси кафедраси билан Шаньдун университети чет тиллар факультети профессор-ўқитувчилари ҳамкорликда русча-ўзбекча-хитойча тилмоч-китоб — сўзлашгични тайёрлашди.

Маълумки, рус ва ўзбек тили билан хитой тили гап қурилиши, фонетикаси, алифбоси ўртасида фарқ жуда катта. Шунинг учун ҳам китоб мундарижаси бошқа сўзлашгичларга қараганда анча кенг ва батафсилроқ. Китоб 41 мавзуни қамраб олган. Ҳар бир мавзуда оғзаки нутқда кўп қўлланадиган гаплар одатдагидек суҳбат тарзида берилган. Бундан ташқари, мавзу охирида кўп учрайдиган сўз ва иборалар луғати келтирилган.

«Қомуслар» Бош таҳририяти тайёрлаган бу китобдан фақат ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчиларигина эмас, ташқи иқтисодий ва дипломатик ташкилот ходимлари, Хитой билан яхши алоқа ўрнатган корхона, аэирлик ва идора хизматчилари, соҳибкорлар, ишбилармонлар, айниқса, сайёҳлар фойдаланишлари мумкин.

● ЭЪЛОН ●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ОМОНАТЛАРИГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТ БЕРУВЧИ ЯГОНА БАНК ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки мавжуд омонатлар бўйича фоиз кўрсаткичларини қуйидагича 2 маротабага оширди:

Талаб қилиб олинадиган омонатлар бўйича — 20 фоиз,

МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА:

1 йилдан 3 йилгача муддатга қабул қилинган омонатлар бўйича — 40 фоиз,

3 йилдан 5 йилгача муддатга қабул қилинган омонатлар бўйича — 60 фоиз,

5 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинган омонатлар бўйича 90 фоиз.

Болаларнинг мақсадли омонатлари бўйича йиллига— 100 фоиз;

Депозит омонатлари бўйича — 80 фоиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЖАМҒАРМА БАНКИ БОШҚАРМАСИ.

«АПЕКС»

КИЧИК АМАЛГА ОШИРИШ ФИРМАСИ

Т-28-4х тракторига мосланган грейфер экскаваторни

СОТИБ ОЛАДИ

СМХ-4 экиш агрегатига алмаштириш имконияти бор.

Бундан ташқари КХУ—4 культиватори, РН—0,8, ГХ— пушта олиш мосламаси бор.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Янгийўл шаҳар, Ишчилар шаҳарчаси (Стаханов кўчаси, 7-уй)даги планли уй (14 сотих ҳовли, газ, сув бор)

СОТИЛАДИ.

Телефон 7-64-67 (соат 15.00 дан сўнг).

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси Оққўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

ҚЎЛДОШ ЙЎЛДОШЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 8. Буюртма Г—893. 20970 нусхада босилди, ҳажми—2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти—20.30. Босишга топширилди 22.00.